

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАБОЕВ ЖАМОЛИДДИН БАҲРИДДИНОВИЧ

ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ АСОСИДА
ХОМАШЁДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Мирзобоев Жамолиддин Бахриддинович

Тозалаш жараёнини мақбуллаштириш асосида хомашёдан самарали
фойдаланиш..... 3

Мирзобоев Жамолиддин Бахриддинович

Эффективное использования сырья на основе оптимизации процесса
очистки 21

Mirzaboev Jamoliddin

Efficient use of raw materials on the basis of optimization of the cleaning
process 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАБОЕВ ЖАМОЛИДДИН БАҲРИДДИНОВИЧ

**ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ АСОСИДА
ХОМАШЁДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PHD/T1174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жуманиязов Қадам Жуманиязович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Холиқов Қурбонали Мадаминович
техника фанлари доктори, профессор

Ражапов Одил Олимович

техника фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» август соат 08:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869)228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: nei_nfo@edi.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (407 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7 уй, тел.: (+99869) 228-76-68. факс: (+99869) 228 76-68.

Диссертация автореферати 2021 йил «03» август куни тарқатилди.
(2021 йил «03» августдаги № 42 рақамли реестр баённомаси).

Р. М.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

Қ.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ишчи-кадрлар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги 10–15 йил давомида дунё тўқимачилик саноати сезиларли даражада ўзгарди. Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув натижасида тўқимачилик ишлаб чиқариш маркази Европа ва Америка Қўшма штатларидан “учинчи дунё” давлатлари-Шимоли-шарқий ва Марказий Осиё, Шимолий Америкага кўчди¹. Кейинги ўн йилликда Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа давлатларда 500 млн. доллар қийматидаги йиллик айланма маблағга эга ўнлаб йирик тўқимачилик компаниялари ҳамда минглаб майда ишлаб чиқарувчилар томонидан энг замонавий жиҳозлар ўрнатилган ва юзлаб ассортиментдаги матоларни минглаб пардозланган вариантларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шу жиҳатдан пахта ипини йигириш корхоналарини янги ресурстежамкор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш маҳсулот таннархини камайтириш ва жаҳон тўқимачилик бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда тўқимачилик саноати технологик машиналарини такомиллаштириш, уларнинг илмий асосларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ип йигириш корхоналарининг ишлаш жараёнини автоматлаштириш, иш унумдорлигини ошириш, машиналарнинг эксплуатация ишончилигини такомиллаштириш, математик моделларини ишлаб чиқиш ва уларнинг оптимизация масаласи ёрдамида олинаётган пахта ипининг табиий сифатини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга янги конструкциядаги ресурстежамкор ип йигириш машиналарини ишлаб чиқиш, уни параметрларини асослаш, йигириш жараёнида ип сифатини сақлаш, самарадорлигини оширувчи ресурстежамкор қисмлар билан таъминлаш ва энергия сарфини камайтириш, тозалаш жараёнини мақбуллаштириш асосида хомашёдан самарали фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда етиштирилаётган пахта толасидан тайёрланадиган иплардан кенг турдаги сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожлантириш, маҳаллий хомашёдан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Республикада етиштирилаётган пахта толасининг сифат кўрсаткичларига

¹ <http://www.cotton.ru/cgi-bin/vestnik/article.pl?id=30325>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

титиш–тозалаш, тараш технологик жараёнларни таъсирини ўрганишда энергия тежамкор технологиядан фойдаланиш, сифатли тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш ва уларни тайёр маҳсулотгача етказиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш тўқимачилик саноати олдида ечимини кутаётган долзарб масалалардан хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 02 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация иши мавзусининг асосини титиш–тозалаш ва тараш жараёнларида Республикамиз ва ҳориждаги етакчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий ҳамда амалий тадқиқот ишларини ташкил этади. Пахта толасини титиш–тозалаш жихозлари ишини ва толали чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни тадбиқ этиш бўйича кўплаб чет эл олимлари: R. Alagirusamy (Ҳиндистон), M. T. Halimi (Саудия Арабистони), M. B. Hassen (Саудия Арабистони), F. Sakli (Тунис), C. Li (Хитой), D. Thibodeaux (АҚШ), A. R. Knowlton (АҚШ), J. Foulk (АҚШ), F. W. Morgner (Германия), S. Raian (Германия), E. Ф. Будин (Россия), К. И. Бадалов (Россия), Б. М. Владимиров (Россия), Д. А. Лебедев (Россия), А. Ф. Плеханов (Россия), Ю. В. Павлов (Россия), А. Н. Соловьев (Россия), И. Т. Борзунов (Россия), А. Н. Ванчиков (Россия), Е. И. Громова (Россия) ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Тўқимачилик толалари сифатини тадқиқ этиш ва тозалаш жараёнларини такомиллаштириш ва иккиламчи хомашёдан фойдаланиш муаммолари бўйича Республикамиз олимлар Қ. Ж. Жуманиязов, Б. М. Мардонов, Х. Х. Ибрагимов, Қ. Ғофуров, А. Парпиев, М. К. Умарова, И. Р. Азизов, М. М. Авезов, А. Обидов, Э. Ғойибназаров, Б. Алиев ва бошқалар томонидан бу соҳада назарий ҳамда амалий изланишлар олиб борилган ва бу ишлар давом эттирилмоқда. Барча илмий ишларнинг натижалари ип сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бағишланган.

Адабиёт манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина илмий ишларда тола таркибидаги ҳар ҳил турдаги бегона ёт аралашмаларни тозаламасдан туриб сифатли ип ишлаб чиқаришга тадбиқ эта олинмаслиги, бегона ёт аралашмаларни тозалаш зарурлиги ва тозалаш жараёни асосий

жараёнлардан бири эканлигига йўналтирилган. Бироқ, Республикамизда мавжуд ип йигириш корхоналарида маҳаллий хомашёдан фойдаланилган ҳолда толаларни тозалаш жараёни тўқимачилик саноати олдиди турган ўта муҳим асосий масалалардан бири бўлиб хисобланади. Тозалаш жараёнида тола хосса кўрсаткичларини имкон қадар сақлаб қолиш, ҳосил бўладиган толали чиқинди таркибида йигиришга яроқли бўлган толалар миқдорини камайтириш мақсадида тозаловчи ишчи қисмларни янги турларини ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Юқоридаги каби тадқиқотлар ва олиб борилаётган изланишлар тола тозалаш техника ва технологиясининг тараққиётига катта таъсир кўрсатган бўлишига қарамасдан тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик–технология институти илмий–тадқиқот ишлари режасининг «Тўқимачилик саноати хомашё базасини тўлдириш ва маҳсулотлар таркибини тузилишини такомиллаштириш асосида ассортиментни кенгайтириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта толасини тозалаш жараёни ва машинаси ишчи қисмлари кўрсаткичларини мақбуллаштириш асосида хомашёдан самарали фойдаланиш ва маҳсулот сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ип йигириш корхоналаридаги титиш–тозалаш агрегатлари таркибига кирувчи машиналар ишини таҳлил қилиш;

толани тозаловчи ишчи қисмлар ҳамда уларда тола ҳаракатини тадқиқ этиш;

перфорацияли сирт ва арра тишли барабан орасида толанинг ҳаракати ҳамда кучлар таъсирини математик моделларини тузиш;

ишлаб чиқариш шароитида толали чиқинди таркибидаги йигиришга яроқли тола миқдорини аниқлаш ҳамда уни камайтириш;

тозалаш машинасининг ишчи қисмлари ҳамда ишлаш параметрларини муқобиллаштириш;

толали чиқинди таркибидан ажратиб олинган толалар аралаштириб ишлаб чиқарилган ипларнинг хосса кўрсаткичларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ип йигириш корхоналаридаги тозалаш машиналари, толали чиқиндилар ва пневмомеханик йигириш машинасида йигирилган ип маҳсулоти олинган.

Тадқиқотнинг предмети йигиришга яроқли толалар, арра тишли барабанлар, перфорацияланган сирт, ажратувчи пичоқ, колосник панжаралар, тозалаш жараёни, пахта толаси, пахта ипидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда йигирув корхоналаридаги чиқиндилар таркибини ўрганиш, амалий жараёнларни статик ва динамик моделлаштириш, дифференциал тенгламаларга қўйилган Коши масаласини ечиш, тўлиқ факторли экспериментлар, кузатиш, ўлчаш, солиштириш, баҳолаш

ва мақсадли электрон дастурлар воситасида мақбуллаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йигириш корхоналаридаги тозалаш машиналарида биринчи маротаба перфорацияли сиртдан фойдаланиш усули ҳамда арра тишлар ва перфорацияланган сиртда толаларнинг ҳаракат боғланишлари ишлаб чиқилган;

янги перфорацияли сиртни қўллаш орқали тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган толали чиқинди таркибидаги йигиришга яроқли толалар миқдори камайганлиги аниқланган;

босимни ошиб бориши тола оқими тезлигини ошишига ва буни натижасида тола қатламини сийраклашига олиб келиши ҳамда тола қатлами қанчалик сийраклашса тозалаш самарадорлиги шунчалик юқори бўлиши аниқланган;

тозалаш жараёни самарали боришини ташкил этиш мақсадида перфорацияли сирт ва арра тишли барабан орасидаги масофа, сирт тешикчаларини мақбул параметрлари ва барабан тезлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йигириш корхоналарига келтирилган толаларни титиш–тозалаш ва аралаштириш жараёнларида табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишга эришилган;

тозалаш жараёнида ажралиб чиқадиган чиқинди таркибидаги йигиришга яроқли толалар миқдорини камайтиришга эришилган;

толани тозалаш жараёнига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тажрибавий ва назарий изланишлар натижасида энг мақбул вариант танлаб олинган;

тозалаш жараёнида толали қатламни сийраклаштириш натижасида тозалаш самарадорлиги юқори бўлиши назарий жихатдан аниқланган;

пневмомеханик усулда йигирилган ипнинг назорат ва тажриба вариантыдаги сифат кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тола таркибидаги бегона ёт аралашмалардан тозалаш мосламасини назарий тадқиқотлари натижасининг амалий синови ва уларни таҳлили ҳамда моделлаш натижаларининг тажрибавий маълумотларга мослиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тозалаш машиналарида перфорацияли сиртдан фойдаланиш усули яратилганлиги, арра тишлар ва перфорацияланган сиртда толаларнинг ҳаракат боғланишлари ишлаб чиқилганлиги, толали чиқинди таркибидаги йигиришга яроқли толалар миқдори, перфорацияли сирт ва арра тишли барабан орасидаги масофа, барабан тезлиги аниқланганлиги ҳамда янги перфорацияланган сирт тешикчалари мақбул параметрлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра яратилган янги перфорацияли сиртдан фойдаланиш усули тола сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда йигирилган ипларни халқаро меъёрларда хоссаларини таъминланганлиги, толали чиқинди таркибига

қўшилиб кетаётган йигиришга яроқли толаларни сақлаб қолинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тозалаш жараёнини мақбуллаштириш асосида хомашёдан самарали фойдаланиш бўйича бажарилган илмий натижалар асосида:

тозалаш машинасида перфорацияланган сиртдан фойдаланиш орқали толали чиқинди таркибига қўшилиб кетаётган йигиришга яроқли толалар ҳамда уларнинг сифатини сақлаб қолиш усули Наманган шаҳридаги «Namangan to'qimachi» МЧЖ тўқимачилик корхонасида жорий этилган («O'zto'qimachilik sanoat» уюшмасининг 2021 йил 25 июндаги №03/13-1976 сонли маълумотномаси). Корхонада ишлаб чиқариш натижасида толали чиқинди таркибидаги 12 % йигиришга яроқли толаларнинг умумий ишлаб чиқаришга қайтарилиб тайёр маҳсулотга қўшилишига эришилган;

перфорацияланган сирт ўрнатилган тозалаш машинасида чиқинди таркибига қўшилиб кетаётган йигиришга яроқли бўлган толалар миқдорини камайтириш усули Тўрақўрғон туманидаги «FT TEXTILE GROUP» МЧЖ тўқимачилик корхонасида жорий этилган («O'zto'qimachilik sanoat» уюшмасининг 2021 йил 25 июндаги №03/13-1976 сонли маълумотномаси). Натижада толали чиқинди таркибидаги 8 % йигиришга яроқли бўлган толалар умумий ишлаб чиқаришга қайтарилиб тайёр маҳсулот олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси Республика ва 4 та хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлилиги очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили, тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида пахта толасини тозалаш жараёнининг назарий ва амалий тадқиқига бағишланган илмий изланишлар, тола таркибидаги бегона ёт арашмаларни ажратиш олиш қурилмалари ишчи

параметрлари, ип йигириш корхоналарида ажралиб чиқадиган чиқинди таркибидаги йигиришга яроқли бўлган толаларни ажратиб олиш қурилмаларини такомиллаштириш борасидаги олиб борилган тадқиқотлар ўрганилди. Ип йигириш корхонасидаги хомашёдан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар ўрганиб чиқилди, титиш–тозалаш агрегатлари таркибидаги машина ва ускуналар параметрлари, машиналарнинг авзаллик ва камчиликлари, машиналарнинг тола сифат кўрсаткичларига таъсири, тозалаш самарадорлиги ва тозалаш даражасига таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилиб тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси белгилаб олинган.


Диссертациянинг «Ип йигириш жараёнида ҳосил бўладиган толали чиқиндилар миқдорини камайтиришни назарий асослари» деб номланган иккинчи бобида толали чиқиндиларни мавжуд таснифларини таҳлили, йигириш технологик жараёнларида пайдо бўладиган толали чиқиндиларни жамлаш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилган тадбирлар, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари, толали чиқиндиларни камайтириш имкониятларининг тадқиқи, улардан фойдаланиш бўйича тажриба натижалари ва тавсиялар берилган.

Ўтказилган тажрибалар натижасида толали чиқинди таркибида йигиришга яроқли бўлган толалар миқдори ўрганилиб, тола ва чиқиндилар чиқишининг улушлари аниқланган (1–расм). Чиқинди таркибидан ажратиб олинган толаларнинг хосса кўрсаткичлари ўрганилиб, толали чиқинди таркибида йигиришга яроқли бўлган толалар миқдори аниқланган (2–расм). Олинган натижалардан кўриниб турибдики толали чиқинди таркибида йигиришга яроқли бўлган толалар улушини имкон қадар камайтириш энг долзарб масала ҳисобланади.

Олиб борилган тажриба натижасига кўра чизиқли зичлиги 29–текс ва ундан юқори бўлган ипларни йигиришда аралашма таркибига 10–12 фоизгача тараш орешкаси ва таранди қўшиш бўйича тавсия ва хулосалар берилган. Аралашма таркибига 10–12 фоиз тараш орешкаси ва тарандисини қўшиб ишлаш натижасида хомашёдан фойдаланиш яхши самара бериши, йигирилаётган иплар стандарт талабларига жавоб бериши таъкидлаб ўтилган.




1–расм. Пахта толасининг қайта ишлашда тола ва чиқиндилар чиқишининг улуши



2–расм. Тола хосса кўрсаткичлари гистограммаси


Диссертациянинг «Технологик жараёнларда толаларни тозалаш жараёнининг назарий тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида йигириш корхонасида ишлаб чиқариладиган иплар ассортименти учун машиналарнинг технологик параметрларини ростлаш жараёнида Наманган муҳандислик технология институти “Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси” ўқув лабораториясида тола тозалагич жихозига янги конструкциядаги перфорацияли сирт ўрнатилиб тажрибалар ўтказилди ва тажриба натижасида олинган толаларнинг ҳосса кўрсаткичлари аниқланди.

Янги конструкциядаги панжарали сирт уч хил вариантда тайёрланиб, тешикчалар диаметри 6 мм, 9 мм ва 12 мм қилиб танлаб олинди (3–расм).




3–расм. Янги конструкцияли панжарали сирт вариантлари

Тозалаш қурилмасида толани тозаловчи перфорацияли сиртнинг тавсия қилинган вариантида тозаланган толали чиқинди таркибида йигиришга ярқли бўлган толалар улушини камайтиришга эришилгани таъкидланади. Перфорацияли сирт ва арра тишли гарнитура қопланган барабан орасидаги толали оқим қатламининг ҳаракат масаласи кўриб чиқилган. Перфорацияли сирт билан оқим қатлами ўзаро таъсир зонаси $A_1B_1C_1D_1$ бўлиб, шу зонада оқим параметрларини аниқланди (4–расм).



а)



б)

4–расм. Перфорацияли сиртни тозалаш зонасида жойлашиши (а) ва арра тишли гарнитура қопланган барабан орасида қатлам қалинлигини ҳисоблаш схемаси (б)

Ажратилган mn элемент учун стационар ҳаракат шартида **Эйлер тенгламасини** тузамиз:

$$- [Sp + d(Sp)] + Sp - qL\beta dx = p v S dv \quad (1)$$

бунда $q = fp$ – ён босим; $f = f_1 + f_2$, f_1, f_2 – тола билан барабан ва перфорацияли сирт орасидаги ишқаланиш коэффициентлари.

$$S = b(s)L \quad b(s) = h + \frac{h-h_0}{s_0} s \quad \text{тенгликни ва } q \text{ ифодани эътиборга олиб} \quad (2)$$

қуйидаги дифференциал тенгламани оламиз:

$$p v b \frac{dv}{ds} = - \frac{d(pv)}{ds} - kfp \quad (2)$$

Л.Г. Лойцянский ва А.Г. Севостьяновларнинг ишларига кўра кичик босимда улар орасидаги чизикли боғланиш ўринли.

$$\rho = \rho_0 [1 + J(p - p_0)] \quad (3)$$

бунда ρ_0 – тола қатламидаги дастлабки босим; J – тажрибавий коэффициент.

Юқоридаги тенгламадан фойдаланиб қуйидаги кўринишни оламиз.

$$\frac{dv}{dx} = - \frac{c^2}{v_0 b_0 a} \left[\frac{h_0 - h}{R_0} + fk(p_0 J - 1) \right] - \frac{c^2 fk}{v b a} \quad (4)$$

бунда $a = 1 - c^2 / v^2$, $c = \sqrt{K / p_0}$, $K = 1/J$ муҳит хажмий сиқилиш модули (4) тенгламаси тола оқимининг перфорацияли сирт билан контактда бўлган ораликдаги тезлигини аниқлайди.

Тенглама қуйидаги бошланғич ($s = 0$) да ($v = v_0 = Q_0 / p_0 h_0 L$) шартида ечими M нинг турли қийматларида қуйидагича кўринишларини оламиз.

$$M < \sqrt{h/h_0} : v = v_0 \left[1 + \frac{p_0}{\rho_0 c^2} \left[1 - \left(\frac{a_1}{a_1 + s} \right)^{b_0} \right] \right] \quad 0 < s < s_0 \quad (5)$$

$$M = \sqrt{h/h_0} : v = v_0 \left[1 - \frac{p_0}{\rho_0 c^2} \left[\frac{s}{s_1} - 1 \right] \right] \quad s_1 < s < s_0 \quad (6)$$

$$M > \sqrt{h/h_0} : v = v_0 \left(1 + \frac{p_0}{\rho_0 c^2} \left[1 - \left(\frac{a_2}{a_2 - s} \right)^{b_0} \right] \right) \quad s_0 < a_2 \quad (7)$$


$$v = v_0 \left(1 + \frac{p_0}{\rho_0 c^2} \left[1 - \left(\frac{a_2}{a_2 - s} \right)^{b_0} \right] \right) \dots 0 < s < s_2, \quad v = v_1, \quad s_2 < s < s_0, \quad s_0 > a_2 \text{ бўлганда,} \quad (8)$$


$$\text{бунда } a_1 = \frac{(h - M^2 h_0) s_0}{h_0 - h}, \quad a_2 = \frac{(M^2 h_0 - h) s_0}{h_0 - h}, \quad v_1 = v_0 \left\{ 1 - J p_0 \left[(1 - s_2 / a_2)^{-b_0} - 1 \right] \right\}$$

$$\frac{dv}{[(p_0 J + 1)v_0 - v]} = - \frac{b_0}{a_0 - s} ds \quad \text{бунда } 0 < s < s_0 \quad \text{тенглама } M = \sqrt{h/h_0} \text{ бўлганда } s=0 \text{ ва}$$


$M > \sqrt{h/h_0}$ бўлганда $s = s_0$ махсус нуқталар бўлганлиги сабабли (6)-(8) формулаларда s_1 ва s_2 масофалар ихтиёрий олинади. (5) - (7) формулалар таҳлилидан тола оқимининг тезлиги $M \geq \sqrt{h/h_0}$ бўлганда, оқимнинг тезлиги камайиб бориши ва (биринчи оқим стационарлик шарти) $\rho v b = \rho_0 v_0 b_0 = Q_0 / L$ формулага кўра унинг зичлиги ошиб боришини кузатиш мумкин. Тозалаш технологияси талабларига кўра тозалаш жараёни амалга ошириш учун оқим зичлиги камайиб бориши лозим. Бундай ҳолни $M < \sqrt{h/h_0}$ бўлганда кузатиш мумкин. Шунга кўра ҳисоблашни амалга оширишда юқорида келтирилган (5) формуладан фойдаланамиз.

5 – расмда тола оқими тезлиги (а) тола қатлами зичлигининг (б) перфорацияли сирт ва арра тишли гарнитура билан қопланган барабан оралиғида қатламда S ўзгарувчига нисбатан босим коэффициенти J нинг иккита ва дастлабки босим p_0 нинг ҳар хил қийматларида ўзгариш графиклари келтирилган. Ҳисоблар параметрларнинг қуйидаги қийматларида бажарилган: $p_0 = 15 \text{ кг/м}^3$, $h_0 = 0.014 \text{ м}$, $h_0 = 0.01 \text{ м}$, $f_1 = f_2 = 0.3$, $\beta = 0.5$, $L = 1.5 \text{ м}$, $s_0 = 0.02 \text{ м}$.





а)




б)


5–расм. Тола қатлами тезлиги v (м/с) (а) ва зичлиги ρ (кг/м³) (б) нинг солқилик коэффициентининг J_s нинг иккита ва дастлабки босим ρ_0 (Па) ҳар хил қийматларида тозалаш зонасида тақсимланиш графиклари
 1 – бунда $\rho_0 = 5$; 2 – бунда $\rho_0 = 25$; 3 – бунда $\rho_0 = 45$; 4 – бунда $\rho_0 = 65$.

6–расмда самарадорлик коэффициентининг солқилик коэффициентининг J_s ва босим ρ_0 нинг ҳар хил қийматларида тозалаш зонасида тақсимланиш графиклари олинди. Графиклар таҳлилидан коэффициент J ва дастлабка босим ρ_0 ошганда самарадорлик коэффициентининг ҳам ошиши кузатилди.

$$J = 0.001 \text{ Па}^{-1}$$



$$J = 0.002 \text{ Па}^{-1}$$



6–расм. Тозалаш самарадорлиги коэффициентининг ε (фоизда) солқилик коэффициентининг J_s нинг иккита ва дастлабки босим ρ_0 (Па) турли қийматларида тозалаш зонасида тақсимланиш графиклари
 1 – $\rho_0 = 5$; 2 – $\rho_0 = 25$; 3 – $\rho_0 = 45$; 4 – $\rho_0 = 65$.

Графиклар таҳлилидан дастлабки босимнинг ошиб бориши тола оқими тезлигининг ошишига ва бунинг натижасида тола қатламининг сийраклашига олиб келиши кузатилди. Тола қатлами қанчалик сийраклашса тозалаш самарадорлиги шунчалик юқори бўлиши мумкинлиги аниқланди. Бундай қонуният толанинг солқилик коэффициентининг ошганда ҳам кузатилади.

Солқилик коэффициенти ва босимнинг ҳар хил қийматларида тозалаш зонасида коэффициент ва дастлабки босим ошганда самарадорлик коэффициентлари ҳам ошиши кузатилди.

Тайёрланган перфорацияли сирт арра тишли тозалаш барабани остки қисмига ўрнатилди (7–расм) ва намуналар тозалаш жараёнидан ўтказилди.



7–расм. Тайёрланган перфорацияли ишчи сиртни ўрнатилиши (а) ва ишлаш жараёни (б)

Тавсия этилаётган перфорацияли сиртнинг ҳозирги замонавий корхоналарда ишлатилаётган тозалаш машиналари ажратувчи пичокдан фарқи шундаки, келаётган толалар кўндаланг ҳолда бўлиб қолса ҳам чиқинди камерасига тушиб кетиш эҳтимоли жуда кам.


Пахта толасининг намунаси тайёрланган перфорацияли сирт арра тишли барабан остки қисмига ўрнатилди ва унинг ёрдамида тола таркибидаги чиқинди ва ёт аралашмалар тозалаб олинди (8–расм).



8–расм. Тозаланган тола ва толали чиқинди


Толанинг нисбий мустаҳкамлиги ва узилишдаги узайиши ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот яъни ипнинг сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичларидан бири мустаҳкамлиги билан баҳоланади. 8–расмда толанинг нисбий мустаҳкамлиги билан узилишдаги узайишини ўзаро боғлиқлик графиги

келтирилган. Бундан маълум бўлдики биз тавсия этаётган 2–вариант тозалаш машинасидан олинган толанинг нисбий мустахкамлиги 1 ва 3–вариантларга қараганда 6%, яъни 33,4 гр/тексдан 35,7 гр/тексга ортган (9–расм. №2, 3, 4).



9–расм. Толанинг нисбий мустахкамлиги (Str) билан узилишдаги узайиши (Elg) оралиғидаги боғлиқлик графиги

Хомашё таркибидаги калта толаларнинг улушини толанинг ўртача узунлигига таъсирини таҳлилидан маълум бўлдики калта тола улуши қанча кўп бўлса, толанинг ўртача узунлиги шунчалик камайганлигини кўриш мумкин (10–расм. №2, 3, 4). Қуйидаги расмда толанинг ўртача узунлигини калта толалар миқдори билан ўзаро боғлиқлиги келтирилган.




10–расм. Тола узунлиги (Len) нинг калта толалар миқдори (SFI) билан ўзаро боғлиқлик графиги

Юқоридаги расмдан маълум бўлдики калта толалар миқдори тавсия этилаётган вариантда биринчи ва учинчи вариант перфорацияли сиртдан сўнг камайганини кўришимиз мумкин. Чунки тавсия этилаётган вариантда тозалаш жараёнидан сўнг маҳсулот таркибидаги калта толалар улуши камайган. Бу эса ушбу хомашёдан йигирилаётган ипнинг сифатига бевосита таъсир қилади

Хомашё таркибидаги хас–чўплар сонини аниқлаш учун майдон бирлигига тўғри келадиган хас–чўплар ва бегона жисмларни HVI тизимидаги лаборатория жиҳозидан фойдаланиб аниқланди. 11–расмдан кўриниб турибдики тавсия этилаётган вариантдаги маҳсулот таркибидаги хас–чўп ва бегона жисмлар сони

кескин камайганлигини кўриш мумкин. Яъни сараланма таркибидаги хас-чўп ва бегона жисмлар миқдори 40% дан ортиқроққа камайтиришга эришилди (10–расм. №2, 3, 4)



11–расм. Майдон бирлиги (Area)га тўғри келадиган хас-чўп, бегона жисмлар сони (Cnt)ни ифодаловчи гистограмма

Уч омилли тажриба учун тавсия этилган стандарт матрицадан фойдаланилди. Синовларни ўтказиш матрицаси тузилди ва тажриба натижаларига ишлов берилди.


Олинган регрессия тенгламаси, толали чиқиндилар таркибидаги узун толалар улуши учун:

$$Y = 9,99 + 0,69x_1 + 0,61x_2 + 0,91x_3 - 0,61x_2x_3 \quad (9)$$

Кўрилган регрессион боғланиш орқали омил қийматини тозалаш жараёнига таъсирини оптималлаш вазифасига сирт юзасидаги тешик диаметри 9 мм, тозалаш барабанининг тезлиги 180 м/мин, барабан ва сирт оралик масофаси 6 ммга тенг бўлган вариантга тўғри келди.


«Такомиллаштирилган тозалаш машинаси ишини маҳсулот сифатига таъсири ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида Наманган шаҳридаги «Namangan to'qimachi» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган назорат ва тажрибавий вариантида йиғирилган ипларнинг хосса кўрсаткичларини натижалари келтирилган (12,13–расм).

Олиб борилган тажрибалар натижасида назорат ва тажриба вариантларидаги ипларнинг хосса кўрсаткичлари ўрганилди. Қуйидаги 11–расмда Uster бўйича нотекислик (Um) ва чизикли зичлик бўйича (CV) нотекислик назорат вариантига қараганда тажриба вариантида 3,9% ва 3,6%га камайди. Непслар сони назорат вариантига нисбатан тажриба вариантида 22% га камайган. Пишиқлик (RKM) кўрсаткичи назорат вариантига қараганда тажриба вариантида 11,7% га ортганини ва ипнинг узилишдаги узайиш кўрсаткичи тажриба вариантида назорат вариантига нисбатан 16,4% га яхшиланишига эришилди.



12 – расм. Назорат ва тажриба вариантыда йигирилган ипларнинг хоссаларини таққослаш гистограммаси (BT–903русумли пневмомеханик ип йигириш машинаси)

1. нотекислик ($U_m\%$), 2. нотекислик ($CV\%$), 3. ингичка жойлар (-50%), 4. қалин жойлар (+50%), 5. неслар сони (+280%), 6. пишиқлиги (RKM), 7. узайиши ($E1\%$)



13 – расм. Назорат ва тажриба вариантыда йигирилган ипларнинг хоссаларини таққослаш гистограммаси (Autocoro SE9 русумли пневмомеханик ип йигириш машинаси)

1. нотекислик ($U_m\%$), 2. нотекислик ($CV\%$), 3. ингичка жойлар (-50%), 4. қалин жойлар (+50%), 5. неслар сони (+280%), 6. пишиқлиги (RKM), 7. узайиши ($E1\%$)

Юқоридаги 12–расмда Uster бўйича нотекислик (U_m) ва чизикли зичлик бўйича (CV) нотекислик назорат вариантыга қараганда тажриба вариантыда 7,9% ва 7,8% га камайди. Йигирилган ипдаги ингичка жойларни назорат вариантыда 22% га, қалин жойларини эса 2,6% гача камайишига эришилди. Непслар сони эса 2,9% га камайди. Йигирилган ипнинг пишиқлик (RKM) кўрсаткичи назорат вариантыга қараганда тажриба вариантыда 11,7% га ортган.

Ипнинг узилишдаги узайиш кўрсаткичи тажриба вариантыда назорат вариантга нисбатан 6,8% га яхшиланишига эришилди.

Янги конструкциядаги перфорацияли сиртни қўллаб олинган иқтисодий самарадорлик аниқланди. Тадқиқот натижалари асосида толани тозалаш жараёнида чиқинди таркибида йигиришга яроқли толалар миқдорини камайтириш ҳисобига бир тонна тола учун 435,9 минг сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

«Тозалаш жараёнини мақбуллаштириш асосида хомашёдан самарали фойдаланиш» мавзуси бўйича олиб борилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида қуйидаги хулоса ва тавсияларга келинди:

1. Толаларни тозалаш машина ва қурилмаларида йигиришга яроқли бўлган толаларни чиқинди таркибига чиқиб кетиш сабаблари етарли даражада ўрганилмаган. Ип йигириш корхоналарида ажралиб чиқадиган толали чиқиндилар таркибига йигиришга яроқли бўлган толаларни ажралиб чиқишини камайтириш учун ишчи қисмларни такомиллатириш зарурлиги аниқланди.
2. Турли фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган тозалаш машиналарининг ишлаш жараёнлари ва уларни ишчи қопламалари таҳлил қилиниб, тола таркибидаги бегона ёт аралашмаларни тозалаш бўйича тавсиялари таҳлил қилинди.
3. Йигиришга яроқли толалар улуши титиш–тозалаш ва тараш машиналаридан чиқадиган орешка ва момик (СТЗ) “Marzoli” фирмаси машиналарида ҳосил бўладиган толалали чиқинди таркибида 25,9%, “Truetzchler” фирмаси машиналарида ҳосил бўладиган толали чиқинди таркибида 25,14% ва “Rieter” фирмаси машиналарида ҳосил бўладиган толали чиқинди таркибида 25,8% ни ташкил этиши аниқланди.
4. Олинган математик моделни график таҳлилидан дастлабки босимнинг ошиб бориши тола оқими тезлигининг ошишига ва бунинг натижасида тола қатламининг сийраклашига олиб келиши кузатилди. Тола қатлами қанчалик сийраклашса тозалаш самарадорлиги шунчалик юқори бўлиши аниқланди.
5. Ўтказилган тажрибалар натижасига кўра биз тавсия этаётган 2–вариант тозалаш машинасидан олинган толанинг нисбий мустахкамлиги бошқа вариант тозалаш машиналарига қараганда 6% ошди, яъни 33,6 гр/тексдан 35,7 гр/тексга ортган.
6. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, янги конструкциядаги перфорацияланган сирт ўрнатилган тозалаш машинасида ишчи қисмларини муқобиллаш мақсадида тўла омилли тажриба (ТОТ) ўтказилди. Сирт юзасидаги тешик диаметри – 9 мм; тозалаш барабани тезлиги – 180 м/мин; барабан ва сирт оралиқ масофаси – 6 мм бўлган вариант энг мақбул параметр эканлиги аниқланди.
7. Янги конструкциядаги перфорацияли сирт ўрнатилган тозалаш машинасида ҳосил бўлган толали чиқинди таркибида йигиришга яроқли бўлган толалар улуши 10,0–12,5 фоиздан ошмаслигига эришилди.

8. Тозалаш машинасига ўрнатилган перфорацияли сирт ва корхонада ишлаб чиқариш шароитида ип йиғириб олинди. “Riter” фирмасининг ВТ–903 русумли пневмомеханик йиғириш машинасида олинган ипда Uster бўйича нотекислик (Um) ва чизиқли зичлик бўйича (CV) нотекислик назорат вариантыга қараганда тажриба вариантыда 3,9% ва 3,6%га, непслар сони 22% га камайган, пишиқлик (RKM) 11,7% га ортганини ва ипнинг узилишдаги узайиш кўрсаткичи тажриба вариантыда назорат вариантыга нисбатан 16,4% га яхшиланишига эришилди.
9. Schlafhorst фирмасининг Autocoro SE9 русумли пневмомеханик йиғириш машинасида олинган ипларда Uster бўйича нотекислик (Um) ва чизиқли зичлик бўйича (CV) нотекислик назорат вариантыга қараганда тажриба вариантыда 7,9% ва 7,8% га камайди, ингичка жойларни назорат вариантыда 22% га, қалин жойларини эса 2,6% гача камайишига эришилди. Непслар сони эса 2,9% га камайди. Йиғирилган ипнинг пишиқлик (RKM) кўрсаткичи назорат вариантыга қараганда тажриба вариантыда 11,7% га ортган. Ипнинг узилишдаги узайиш кўрсаткичи тажриба вариантыда назорат вариантыга нисбатан 6,8% га яхшиланишига эришилди.
10. Тадқиқот натижалари асосида толани тозалаш жараёнида чиқинди таркибида йиғиришга яроқли толалар миқдорини камайтириш ҳисобига бир тонна тола учун 435,9 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МИРЗАБОЕВ ЖАМОЛИДДИН БАХРИДДИНОВИЧ

**ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СЫРЬЯ НА ОСНОВЕ
ОПТИМИЗАЦИИ ПРОЦЕССА ОЧИСТКИ**

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PHD/T282.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-страница по адресу: www.nammti.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Жуманиязов Кадам Жуманиязович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Халиков Курбанали Мадаминович доктор технических наук, профессор Ражапов Одил Олимович доктор философии по техническим наукам (PhD)
Ведущая организация:	Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «14» август 2021 г. в 08:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел: (+ 99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 407). Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edi.uz.

Автореферат диссертации разослан «03» август 2021 года
(Протокол рассылки № 42 от «03» август 2021 года)

Р.М.Муродов
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор
Х.Т.Бобожанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент
К.М.Холиков
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы исследования. За последние 10-15 лет мировая текстильная промышленность существенно изменилась. В результате глобализации мировой экономики центр текстильного производства переместился из Европы и США в страны «третьего мира» - Северо-Восточную и Центральную Азию, Северную Америку¹. За последние десятилетия в Китае, Пакистане, Индии, Турции и других странах построены десятки крупных текстильных компаний с годовым оборотом 500 млн долларов, а также со стороны тысячи мелких производителей запущены в строй предприятия, где установлено самое современное оборудование выпускающие сотни различных ассортиментов тканей с тысячу вариантами отделки. В связи с этим установка на прядильные фабрики новой ресурсосберегающей техники и технологии, уменьшение себестоимости продукции, а также выпуск на мировой рынок конкурентно способной продукции имеет большое значение.

Во всем мире проводятся обширные научные исследования по совершенствованию технологических машин текстильной промышленности, созданию их научной базы. В этом случае важное значение имеет автоматизация процессов работы прядильных фабрик, повышение производительности, усовершенствование надежности работы машин, разработка математических моделей и сохранение естественного качество хлопчатобумажной пряжи, полученной за счет их оптимизации. на ряду с этим считается важным разработка ресурсосберегающих прядильных машин новой конструкции, обоснование их параметров, сохранение качество пряжи при прядении, обеспечение ресурсосберегающими деталями повышающие эффективность процесса и снижающие энергозатраты, эффективное использование сырья за счёт оптимизации процесса очистки.

Принимаются масштабные меры и достигнуты определенные результаты по организации и развитию производства широкого спектра высококачественной текстильной продукции из хлопкового волоконной пряжи, полученной в стране, расширению использования местного сырья, а также увеличению экспортного потенциала местных производителей. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, определены важные задачи, в частности, «... ускоренное развитие высокотехнологичных перерабатывающих производств, в первую очередь производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья ... »². При реализации этих задач использование энергосберегающих технологий при изучении влияния технологических процессов разрыхление-очистка, чесание на качество хлопкового волокна, выращиваемого в стране, производстве качественных текстильных тканей и преобразование их в готовую продукцию, внедрение

¹<http://www.cotton.ru/cgi-bin/vestnik/article.pl?id=30325>

²Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

новой техники и технологии, комплексное решение вопроса эффективного использования местного сырья - считается одной из самых актуальных проблем, стоящих перед текстильной промышленностью.

Диссертационная работа способствует реализации целей изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 2 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5285 от 14 декабря, 2017 «О мерах по ускорению развития текстильной и швейной промышленности» и Постановлению № ПП-4186 от 12 февраля 2019 «О мерах по дальнейшему углублению реформирования текстильной и швейной промышленности и расширению ее экспортного потенциала», а также реализации задач, изложенных в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники в Республике. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и техники республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изучённости проблемы. Основу диссертационной работы составляют научные, а также практические исследования, проводимые ведущими учеными республики и зарубежья в области разрыхления-очистки и чесывания.

